

74.266.7
K25

Д.КАРИМОВА

Муסיкий педагогик маҳорат
асослари



“IQTISOD-MOLIYA”

74.266.7
K25

48-53

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAHSUS
TALIM VAZIRLIGI

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

6 ма

Д. А. Каримова

МУСИҚИЙ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ
АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ~~вазирлиги~~
томонидан олий ўқув юртлари 5141000 – «Муסיқий таълим» бакалавриат
таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

*Муסיқия факультети
кутубхонасига эълон қилинган
2008 йил. 01.01*

Муסיқия вақит-те
кутубхонаси

Nizomiy nomli
kutubxonasi

011344 / 2

ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2008

Тақризчилар: Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат
Маданият институти профессори **А.Умаров**
Низомий номидаги ТДПУ профессори
Қ.Мамиров

Масъул муҳаррир: Х.Нурматов педагогика фанлари доктори, профессор.

Каримова Д. А.

Муסיкий педагогик маҳорат асослари. Олий ўқув юртлири учун
дарслик / Д. А. Каримова; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. 104 б.

Ушбу ўқув қўлланма бакалавриат 5141000 муסיкий таълим йўналиши ва
муסיка педагогикасида инновацион технологияларни ўзлаштиришига
мўлжалланган бўлиб, унда янги педагогик технологиялар ва уларни муסיка
маданияти дарсларида қўллаш, муסיка маданияти ўқитувчисининг муסיкий
педагогик маҳорати, дарсларни ўтказишга тайёргарлик кўриш, муסיка қабул
килиш, ижодий жараёни ташкил этиш, балоғат ёшидаги хусусиятларни
эътиборга олиш, умумтаълим мактабларини муסיка дарси ишланмалари ва
дарсдан ташқари муסיкий машғулотлар сценарияларидан ташкил топган.

Ўқув қўлланма узлуксиз таълим тизимининг муסיкий таълим йўналиши,
хусусан умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган
ўқитувчилар ва педагогика олий таълим муассасаларининг махсус сиртки
бўлим талабалари учун мўлжалланган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда барча соҳаларда сиёсий – иктисодий ўзгаришлар бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. «Таълим тўғрисидаги» қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқариш сифат кўрсаткичи босқичига кирди. Давлат таълим стандарти, ўқув дастури, янги авлод дарсликларини яратилиши ҳамда маданий ривожланишни юқори босқичларга кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу янги таълим стандартларни ўзлаштириш мустақил фикр юритишга ундаш, янги технология асосида иш олиб бориш бевосита ўқитувчи фаолиятига боғлиқдир. Таълим самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлаш, таълимнинг сифат кўрсаткичини кафолатлашда замонавий технологияни ҳал қилувчи омилларидан бўлиб бормоқда.

Ўқув қўлланманинг асосий мақсади олий ўқув юрт талабаларига умумтаълим мактаблари мусика дарси ва дарсдан ташқари мусикий машғулот ишларида, ўқув жараёнида давлат таълим стандартларининг бажарилишида таълим самарадорлигини ошириш, замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш, ўқув меҳнатини амалга оширишда, ўқитувчи ва ўқувчини изланишга, ўз устида ишлашга ундайди.

Ушбу қўлланмада мусика ўқитиш жараёнида мусикий педагогик маҳорати таркиби ўз ичига оладиган бадий мусика, мусикий санъат мазмунида шахсни ахлокий эстетик ва тинглаш маданиятини шакллантириш, ўқувчиларни ижодий қобилиятини ривожлантиришда ўйин ҳолатини қўллаш, ўқувчиларни мустақил тайёрлашда малака кўникмаларни шакллантириш, педагогик ижодкорлик, ўқув тарбиявий вазифаларни ечишда ва мусикий таълимни ўрганишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, мусика дарсларида мусикий мулоқат жараёнини ташкил этиш, мусика фанининг бошқа фанлари билан боғлиқлиги ҳақида суҳбат, инновацион технологиялар

ёрдамида мусикий таълим самарадорлигини ошириш, дарс ишланмалари ва умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари мусикий машғулотлар сценариялари хақида услубий тавсиялар берилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, республикамизда янги педагогик технологиялар, таълим инновациялар тўпланиб, улар ичида иш фаолиятимиз учун энг самарадор тажрибалар синовдан ўтказилиб, биз ўқитувчи амалиётчилар учун ижодий фаолиятларимизга ёрдам бериш мақсадида педагогик технологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш курслари ташкил этилди. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича семинарлар, тренинглар ўтказиляпти.

Илғор педагогик технологияларни амалда қўллаш тажрибаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, оммалаштириш бўйича тавсия, қўлланмалар яратилди. Жумладан: Ж.Г.Йулдошев, С.А.Усмоновларнинг «Педагогик технология асослари»; Р.Ж.Ишмухамедовнинг «Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари»; У.К.Толипов, М.Усмонбоеваларнинг «Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари»; Н.Н.Азизходжаеванинг «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» кабилардир. Ушбу қўлланмаларда ўқувчига билим беришда замонавий педагогик технологияларни қўллаш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш механизмлари очиқ берилган. «Мусикий педагогик маҳорати асослари» ўқув қўлланмасида, дарс ишланмаларини, мавзуларни ёритилишида юқорида кўрсатилган ўқув қўлланмалардан кенг фойдаланилди.

Муסיқа маданияти ўқитувчисининг муסיқий педагогик маҳорати ✓

2.2

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг юқори сифат кўрсаткичини таъминлаш, таълим мазмунини Давлат таълим стандартлари асосида такомиллаштиришга киришилди. Барча ўқув фанлари бўйича Давлат таълим стандартларини ўқув жараёнида қўллаб ва ўқув йили якунида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар шу стандартларга мослигини аниқлаш бўйича мактаб, туман, шаҳар, республика даражасида мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Миллий дастурда кўзда тутилгандек, замонавий ахборот технологиялари ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бормоқда. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожланади. Ўқув – услубий, илмий, инновацион, замонавий технологиялар мукаммаллашиб, ўқув жараёнига татбиқ этиб бориляпти.

Маълумки, дидактиканинг предметини ўргатиш, ўрганиш ҳамда таълим мазмуни ташкил қилади. Бунда иштирок этаётган учта компонент бир – бири билан узвий алоқада бўлиб, улардан бирортасини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда нимани (кайси мазмундаги ўқув материални) ўрганмоқчимиз ёки ўргатмоқчимиз, деган савол туғилади.

Ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам уларнинг охириги натижаси ҳам таълим мазмунига боғлиқ.

Ҳар хил мазмундаги матнларни ўзига хос усуллар билан ўзлаштириш қабул қилинганлиги учун ўргатишнинг қандай бўлиши унинг мазмунидан келиб чиқади, бу эса ўрганишни ташкил этувчи, яъни ўргатувчига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, дидактик тафаккур бу - ўрганиш, ўргатиш ва таълим мазмунининг доимий алоқалари, муносабатларини излаш, аниқлаш демакдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга суяниб, ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигига эришади.

Шу боисдан ҳам, педагогик технология, дидактик технология, таълим технологияларига ўқув жараёнидаги энг самарали воситалар деб қаралмоқда. Улардан дунё педагогик амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масала ва вазифа таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборатдир.

Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим – тарбия соҳасида сифат ва самарадорлигига эришиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш масалалари ҳал этилмай қолади.

- Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим – тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қилади. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур.

Таълим – тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияларга айланиб бормоқда. Худди шу каби

таълим – тарбия соҳасида ҳам сўнги йилларда педагогик технология амал қила бошлади.

Педагогик технология тушунчаси XX асрда пайдо бўлди ва турли ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда.

Ўтган асрнинг 50 – йиллари ўртасидан 60 – йилларгача «таълим технологияси» атамаси қўлланилиб, бунда дастурлаштирилган таълим назарда тутилган.

70 – йилларда «педагогик технология» атамаси қўлланилиб, у аввалдан ифодаланган.

80 – йилларнинг бошидан педагогик технология деб таълимнинг лойиҳалаштирилган ва аниқ белгиланган мақсадларга эришишни кафолатловчи ўқув жараёнини компьютерли ва ахборот технологияларни яратишга айтилган.

Педагогик технология таърифлари:

1 «Педагогик технология – баркамол инсонни шакллантириш фаолияти».

Шу билан бирга, педагогик технологиянинг кенг қўламли, серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қуйидаги яна бир нечта таърифларини келтиришимиз мумкин:

2 Педагогик технология ахборотларини ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно – мазмунларни ҳамда ахборотлар орасидаги турли боғлиқликларни очиш орқали янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

3 Педагогик технология – таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; у педагогик жараённинг ташкилий – услубий воситалари мажмуидир.

4 Педагогик технология – бу ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология – маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология инсонга (таълим-тарбия оловчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат.

Педагогик технология ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради.

Ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги қонунга кўра, 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, минтакавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида барча ўқув предметлари қатори жумладан мусика предмети бўйича ҳам ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мусика маданияти ўқув предмети ўқувчиларнинг маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишга, ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиришга, фикр доирасини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қилади.

Мусика маданияти ўқув предмети умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув предметлари, жумладан, адабиёт, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа фанлар билан боғланади. Барча ўқув фанлари қатори мусикий таълимда ҳам ДТСларнинг жорий этилиши миллий мусикий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар амалий халқ куй ва қўшиқларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари. Маком, шашмаком дostonлар ва бугунги замонавий мусикада ўз аксини топди. Мусика санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларнинг баркамол бўлиб етишишларида ўзига хос ва такрорланмас манбаа бўлиб хизмат қилади. Азалдан Шарк, жумладан, ўзбек мусика таълим-тарбияси педагогикаси ва унинг мукамал устоз ва шогирд анъаналари мисолида такомиллашиб борган. Давлат таълим стандартларида оммавий халқ мусика педагогикаси, профессионал мусика ижодкорлари,

музыка ижрочилари (созанда, хонандалар) катта ашулачилар, мақомчилар, дostonчилар асарларнинг элементар асосларини ўрганиш меъёрлаштирилган. Музыка таълимида давлат таълим Стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг музикаий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасавур қилиш, уларда ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, бадий ва музикаий дид каби хислатларни ривожлантиришни таъминлайди. Музыка маданияти таълимининг янги мазмуни ёш авлодни миллий музикаий меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий, музика бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутди. Бунда ўқувчилар музика санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, оммавий музика фаолиятлари: музикани бадий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб кўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад бўлиб хисобланилади. Шунингдек, ўқувчилар музикаий иктидорни ривожлантириш, музика санъатига меҳр ва иштиёқни ошириш, музика санъатига кизикувчи ўқувчиларнинг иктидорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг бадий эhtiёжларини қондириш музика таълим – таъбиясининг асосий вазифасини ташкил этади. Шу билан бир қаторда жаҳон халқларининг умуминсоний музикаий кадриятларини ҳам чуқур ўрганиш ёш авлодни халқаро нуфузга мойиллик бўлган маданий дурдоналардан баҳраманд бўлишни таъминлайди.

Жамият таракқиёти ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, унинг ғилдираги доимо олдинга қараб айланаверади бу табиий, тарихий жараёнди. Шунинг учун ҳам музика маданияти ўқитувчиси, ўқувчиларни маънавий, бадий ва ахлоқий маданиятининг шакитллантириши, миллий ғурури ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини, иждодий маҳоратнинг нафосатида бадий дидни ўстириши, фикр доирасини кенгайтириши мустақиллик ва ташаббускорликни мунтазам равишда шакитллантириб бориш лозимди. Биз биламизки педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида

тарбиянинг моҳиятини тушунишини, унинг қонунларини очиб бериши ва шу орқали инсон манфатлари тарбия жараёнига таъсир этишини назарда тутди.

Музыка маданияти ўқитувчисининг педагогик маҳоратларидан энг аввал биринчиси таълим – тарбия соҳасида ортирилган тажрибаларни ўрганиши лозим. Бу албатта кўпгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради. Илғор ўқитувчилар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки тажрибаларни ўрганиш жараёндаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Бунда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларини ўрганиш методлардан фойдаланилади, масалан: кузатишда ўрганиш лозим бўлган педагогик ҳодисани маълум мақсадда келиб чиққан ҳолда кузатиш баённомасини олиб боради. Бу жараён аниқ режа асосида олиб боради.

Сухбат эса факт – далиллар тўплаш ёки кузатиш давомида тўпланган материалларга аниқлик киритиш мақсадида олиб борилади.

«Сухбат мустақил ёки ёрдамчи метод сифатида қўлланилади».

Анкеталаштириш материал тўплаш мақсадида амалга оширилади. Маҳоратли ўқитувчи барча ўқувчилар каби мактаб ҳужжатларини ўрганиши лозим. Бунга ўқитувчиларнинг шахсий варақалари, методистнинг хабарлари, кундаликлар, мажлис баённомаларидан хабардор бўлиши назарда тутилади. Шунингдек дарсдан ташқари мусликий тўғарак ишларини олиб боради. Жумладан: Қадимги Грецияда музыка ёрдамида доноликни, мардликни тарбиялаши мумкин деб ҳисобланган. Ҳақиқатдан ҳар бир санъат инсонга руҳий таъсир кўрсатади. Музыка айниқ^а эмоционал таъсир этишда катта кучга эга. Шунинг учун кўпгина давлатларда муслиқадан кўп йўналишлар бўйича кенг фойдаланилади.

Мактаблар фаолиятининг ҳозирги назарияси ва амалиётида ўқув тарбия жараёнини янги йулларини амалга ошириш ва уни олиб боришнинг кўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир муаллиф ҳамда амалиётчи педагогик жараёнга ўзининг индивидуал улушини қўшади. Лекин кўп янги технологиялар ўз

мақсадлари, мазмуни қўлланиладиган методлари ва воситалари бўйича етарлича кўп ўхшашликларга эга уларни шу умумий белгиларига кўра тасниф қилинади:

- қўлланиш даражасига кўра;
- фалсафий асоси бўйича;
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича;
- шахсий белги сифатларига кўра йўналганлиги бўйича
- мазмун хусусиятлари бўйича;
- бошқарув тури бўйича;
- болага ёндашуви бўйича;
- кўп қўлланиладиган методлар бўйича;
- таълим олувчилар тоифалари бўйича.

Юқоридаги тасниф асосида мисол сифатида ҳозирги анъанавий мактаб таълимини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- қўлланиш даражасига кўра: умумпедагогик;
- фалсафий асоси бўйича; мажбурлаш педагогикаси;
- (умумий мажбурий таълим);
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича: асосий эътибор жамиятнинг фаол аъзолари бўлган баркамол инсонларни тарбиялашга қаратилган шу билан бир вақтда шахснинг ҳар тамонлама ривожланишига ҳам эътибор қаратилган ҳолда;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича; асосциатив – рефлектор бўлиб, суггестия (намуна, мисол, ўрнатма ибрат кўрсатиш)га таянган ҳолда;
- шахсий белги сифатларига кўра йўналганлиги бўйича;
- ахборотли, яъни билим, малака, кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган;
- мазмун хусусиятлари бўйича: дунёвий, технократик, умумтаълим мазмунида бўлиб, таълим – тарбия жараёнида ташкил қилиш ва олиб боришда дидактикага марказий ўрин берилади;

- бошқарув тури бўйича: анъанавий-мумтоз (классик) бўлиб, унга таълимнинг техника воситалари қўшилган;
- болага ёндашув бўйича: авторитатор;
- кўп қўлланиладиган методлари бўйича: тушунтириш-иллюстрациялаш;
- таълим оловчилар тоифалари бўйича: оммавий.

Шу билан бир вақтда, жамиятнинг ривожланиши алоҳида мамлакатларда ва умуман жаҳонда инсонпарвар фалсафий асосдаги янги педагогик технологияларни яратди.

Савол ва топшириқлар

1. Педагогик технология тушунчаси қачон пайдо бўлди? Уни ривожланиш боскичларини айтинг.
2. Педагогик технология таърифларини айтинг.
3. Мусика маданияти предмети, уни ахамияти ва янги авлодни тарбиялаб баркамол бўлиб етиштиришдаги ўрни ҳақида айтинг.
4. Мусика маданияти ўқитувчисининг педагогик маҳорати нимада?
5. Педагогик технологияларни қайси белгиларга кўра тасниф қилиш мумкин?
6. Маҳоратли мусика маданияти ўқитувчисининг мусика дарсини кузатиш ва таҳлил қилинг.

Адабиётлар:

1. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997 йил.
2. Умумий ўрта таълим. ДТС ва ўқув дастури. Т.1999 йил.
3. Ж.Г.Йулдошев, С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари. Т.2004 йил.
4. Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Ҳоликбердиев Педагогика Т. 2001 йил.

Мусиқа маданияти дарсларини ўтказишга тайёргарлик кўриш муаммолари ва дарсда мулоқатни ташкил этиш ✓

Ҳар бир дарсни алоҳида хусусияти мавжуд. Мусиқа ўқитувчисининг ҳам ўзига хос сирлари бўлади. Мусиқага муҳаббат, қизиқиш билан қараш, болаларга бор билимларини беришга интилиш, ва ишга сидқидилдан берилган инсон иш жараёнидаги ҳаёти билан яшайди. Таҷрибага педагоглар мусиқа фанини мураккаблигини ва ўқитувчи билан созанданинг боғлиқлигини кўрсатиб ўтганлар.

Мусиқа ўқитувчиси ўқув ва тарбия ишларини олиб боради. У фақатгина кенг билимга эга бўлиб қолмай, ўзини фанини ҳам яхши билиши лозимдир. Болаларни мусиқа санъати билан тарбиялаши, дунёқараши, фикрлаши, тушунчаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Мусиқа киши хиссиётини айниқса эмоционал эстетик хиссиётини актив ривожлантиради.

Мусиқа ўқитувчиси яхши созанда ва яхши санъаткор бўлиши лозимдир.

Мусиқа асбобида яхши чалиш, ижро эта олиш, яхши овозга эга бўлиши, нотага қараб яхши ижро этиш болалар қобилиятини ажрата билиши лозимдир. Мусиқа ўқитувчиси мусиқа асбобда яхши ижро этишни жуда муҳимлиги қуйидагича кўрсатилади. Биринчидан: Жонли ижро этиш – синфда кайфиятни яхшилади.

Иккинчидан: Жамоа бўлиб (хор) ижро этаётганда хоҳлаган эпизодни ёки (тактик) жумлани қайтариш.

Учинчидан: Мусиқа асбобида ижро эта оладиган мусиқа ўқитувчиси ўз тарбияланувчиларига мусиқани ўзи ижро этиш нақадар қизиқарлигини ва муҳимлигини амалиётда кўрсатиб ўтади. Мусиқа ўқитувчиси мусиқа асбобини яхши ижро этиши билан чекланиб қолмай яхши товуш, дирижёрлик жести билан мусиқа назариясини мукамал билмоғи ва ижод қилиши лозимдир. Ўқитувчини шахсиятини мусиқа фанининг тақдирини ҳал қилади.

Ўқитувчи булардан ташқари дарсларни кузатиб бориши ҳам лозимдир доимий кузатишлар сабабли ўқитувчи педагогик маҳоратини эгаллай бошлайди. У вазиятни (ситуацияни) баҳолашга, ўқувчиларнинг ички туйғуларини сезишга ўрганади. Кузатиш 1-7 синфгача давом этади. Энг асосийси: Ўқитувчи асарни ижро этибгина қолмай балки унинг мазмуни билан ҳам таништириш лозим, бунинг учун ўқитувчини нутқи равон, қисқа, ҳамда тушунарли бўлиши керак.

Музыка маданияти дарсида ўқитувчининг сўз маҳорати юксак даражада бўлиши лозим. Ўқитувчини асар ҳақидаги кириш сўзи ва дарс мавзусини тушунтириб бериши, ўқувчиларни ажойиб ва сеҳрли санъат- музыка оламига олиб киради. ва қизиқарли суҳбат билан болалар диққатини музыка мавзуларга йўналтириш мумкин. ўқитувчини музыка асари ҳақидаги ҳикояси қисқа ва қизиқарли бўлиши керак ва ўқувчиларни бадиий идрок этишга эриштириши лозимдир.

Жумладан: Уч минутли қизиқарли ва образли ҳикоя – бир неча соатли завкли амалий машғулотни таъмин этади. Бунда кўпроқ композиторларнинг ижодий биографияси, қизиқарли воқеалар, лавҳалар қўлланилади.

Дарс давомида ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқатда бўлган усулини қўласа, музыка ҳақида тўғри мулоҳаза юритишга, тўғри хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Суҳбат жараёнида кўпроқ ўқувчилар баҳсга ўтадилар. Бу фаолиятида ўқитувчи режиссёр сингари уларни бошқариб, тўғри хулосаларга эриштирилиши лозим. Музыка дарсларнинг самарали бўлиши учун албатта янги педагогик технологиялар билан дарс олиб бориш лозим. Бунинг учун қуйида педагогик технологияларнинг асосий жараёнлари билан танишиб чиқамиз.

Педагогик технологияларнинг асосий жараёнлари. ✓

Педагогик технологияларнинг турлари кўп бўлиб йўналиш ва мақсадларга асосий эътибор қаратилгани билан фарқ қилади.

Педагогик технология жараёнларини ўрганишнинг соддалаштирилган тартибини қуйидагича тушуниш мумкин:

Тушунтириш – ахборотнинг маъно – мазмунини, ундан фойдаланиш тартибини турли восита ва усулларни қўллаб, тушунтирувчининг ўзи тушунган даражада бошқаларга етказиш фаолиятдан иборат жараён.

Тушуниш - ахборотнинг маъно-мазмунини идрок қилиш ундан кўрсатилган тартибда мустақил фойдалана олиш.

Ўргатиш - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларини ўргатувчининг ўзи ўрганган даражада бошқаларнинг такрорлай олишини турли восита ва усулларни қўллаб амалга ошириш фаолиятдан иборат жараён.

Ўрганиш – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўзлаштириш – тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш. Ўзлаштириш шартли равишда қуйидаги учта даражага ажратилади. 1) Ўргатилган билим, кўникмаларни тури такрорлаш; 2) Уларни амалда фаолиятда қўллаш, улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш; 3) Уларни ижодий таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

Шу билан бирга, педагогик технологияларнинг ҳаммасида ҳам бирдек қўлланиладиган ва таълим-тарбия жараёнининг тарихий таркиб топишида ва ривожланиб боришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий таркибий элементлар сўзлаш, кўрсатиш ва машқлар бажаришдан иборат бўлиб, улар ўзаро қуйидагича кетма-кетликда ва боғлиқликда амал қилади.

Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган кизиқиш, эътибор қўндан – қўнга кучайиб бормокда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий

таълимда ўқувчи - талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўрнатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Инновация (инглизча innovation) –янгилик киритиш, янгиликдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар бу – жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи – талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ўқувчи – талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

-ўқувчи – талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

-ўқувчи – талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

- педагог ва ўқувчи – талабанинг ҳаммаша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммолари ўрганаётган ўқитувчилар, илмий – тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади.

Ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчи - талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эриши учун балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчи – талабага боғлиқ. Ўқитувчи билан бир қаторда ўқитиш жараёни олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнида ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, ТСОни, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолдиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли қафотланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчи – талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит, ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак.

Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи – талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогика ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар. Усулларни билиши керак бўлади. ҳар бир дарсни ранг - баранг, кизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва қафотланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган

бўлиши керак. Технологик картани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай картада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби технологик карта унга фанни, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, максадидан тортиб, эришиладиган натижасига кўра олишига ёрдам беради.

Куйида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглар (технологиялар) га тавсифнома берилади:

«ТАРМОҚЛАР» методи - ўқувчи – талабани мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишига қаратилган.

«3x4» методи - ўқувчи – талабаларни эркин фикрлаш, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

«БЛИЦ - ЎЙИН» методи - ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма - хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

«ИНТЕРВЬЮ» техникаси ўқувчи - талаба савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

«ИЕРАРХИЯ» техникаси – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали уларни мантикий, танкидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

«БУМЕРАНГ» техникаси - ўқувчи – талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида саклаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи – талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

«ТАЛАБА» тренинги - ўқувчи – талабалар билан индивидуал ҳолда фикрлаш ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда фикрлаш йўлларини ўргатишга қаратилган.

«ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ» тренинги - ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар» мавзусидаги мустақил фикрлашга, ижодий иншо орқали фикрларни баён қилишга қаратилган.

«МУЛОҚАТ» техникаси ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

«БОШҚАРУВ» техникаси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчи – талабаларни иш жараёнида усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

«Тармоқлар» методи (Кластер)

Фикрларнинг тармокланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу метод бирон чуқур ўрганишдан аввал ўқувларнинг фикрлаш фаолиятини жаддалаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилишни мумкин. Шунингдек ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларни чизма шаклида ифодалашга ундайди. Қуйида биз намуна сифатида мисол келтирдик:

«Бумеранг» технологияси

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб этиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муммоли, мунозарали, турли

мазмунли) эга бўлган мавзулари ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчиларнинг турли топшириқларини бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли балли тўплашга имконият беради.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқли шакллантиришга имконият яратади; ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради;

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалик;
- хушфеъллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- фаоллик;
- рахбарлик сифатларини шакллантириш;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига кизиқиш;
- ўзини холис баҳолаш.

«Скарабей» технологияси

«Скарабей» интерактив технология бўлиб, ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очик ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрнатилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У, айна пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқларни аниқлашга имкон яратади.

«Скарабей» технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятининг фикрлаш, билиш хусусиятлари инобатга олинган

холда ишлаб чиқилган. У ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутади, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

«ВЕЕР» технологияси

Бу технология мураккаб, кўп тармокли, мумкин қадар, муаммо характерли мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклида ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

«ВЕЕР» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир катнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ТРЕНИНГ ХАҚИДА ТУШУНЧА

Ушбу технология мунозарали масалаларини ҳал этишда, баҳс – мунозаралар ўтказишда ёки ўқув – семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув – семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқувчи – талабаларни, ўқув жараёнида эгалланган билимларини

тахлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятида ўргатади.

«БЛИЦ - ЎЙИН» технологияси ТРЕНИНГ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ушбу технология ўқувчи – талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган фан асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу технология давомида ўқувчи – талабалар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказа оладилар, чунки бу технология шунга тўлиқ шароит яратиб беради.

МАҚСАД

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган қолларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма - кетлигини аввал яққа ҳолда мустақил равишда белгиланиб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олишга ёрдам беради.

«БУМЕРАНГ» ТЕХНОЛОГИЯСИ ТРЕНИНГ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ушбу технология ўқувчи – талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари дастурли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи – талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

МАҚСАД

Тренинг давомида тингловчиларга тарқатилган материалларни улар томонидан яққа ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ўзаро суҳбат

иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

Ялпи «Фикрлар хужуми». Бу метод Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гуруҳларда (20 дан 20 тагача бўлган) янги ғоялар ишлаб чиқиш самардорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Барча иштирокчилар кичик- кичик 5-6 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳ халқ қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда ўзаро «Фикрлар хужуми» ўтказилади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ вакили ўз гуруҳларида ишлаб чиқилган ғоя хақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб унга баҳо берадилар ва уларнинг энг яхшилари, бетақрорлари танлаб олинади.

«Фикрларнинг шиддатли хужуми»- деструктив берилган баҳо билан диалог. Бу метод Е.А.Александров томонидан таклиф қилинган. Г.Я.Буш томонидан ўзгартирилиб йўлга қўйилган диалогнинг моҳияти шундаки, коллектив бўлиб ғоялар ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади.

Машғулот босқичма – босқич қуйидаги тарзда ўтказилади:

1 – босқич. Миқдор ва психологик мулоқати жиҳатидан макул кичик гуруҳларни шакллантириш;

2 – босқич. Вазифа, муаммодан келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш;

3 – босқич. Тўғридан -тўғри «Фикрлар хужуми» қоидасига асосан ҳар бир гуруҳда ғоялар ишлаб чиқиш;

4 – босқич. Ғояларни тартибга солиш ва таснифлаш;

5 – босқич. Ғояларни деструктивлаш, яъни амалга ошириш имкониятига қараб баҳолаш;

6 – босқич. Аввалги босқичлардан билдирилган танқидий мулоҳазаларга баҳо бериш.

Юқоридаги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда жараёнида (фанга асосан) турли муаммоларни ҳал этишга, уларнинг келиб чиқиш

сабаблари, тузатиш йўллари топишга, ўқувчиларни эса мустақил изланишга, фикрлашга, ўз фикрларини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқишга ўргатишда «Муаммоли вазият» шаклини қўллаш мумкин.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида кўпинча бошқарма вакиллари, раҳбар ходимлар, методистлар, ўқитувчилар ўқитувчиларнинг дарсларига кириш, дарсни таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида кўпинча бош қотирилади. Ўқитувчининг дарсига кириш ва уни таҳлил қилиш, биринчи навбатда, дарсга қираётган шахснинг қўйган мақсадига боғлиқ. Масалан: «Мен янги мавзунини баён қилишдаги тажрибангизни ёки баҳолашингизни, мавзунини мустаҳкамлашингизни, тўлиқ дарс жараёнини ташкил этишингизни, ўқувчи талабалар билан мулоқатингизни ва б., ўрганмоқчи (кузатмоқчи, оммалаштирмоқчи) эдим». Шунга қараб, дарс таҳлили ўтказилади.

Назорат учун саволлар

1. Мусика ўқитувчисининг хусусияти нимада?
2. Педагогик технология жараёнларини ўрганишнинг соддалаштирилган тартибини айтинг.
3. Педагогик технология ва педагогик маҳоратни аҳамияти нимада?
4. Мусика маданияти дарсларида қандай методлардан фойдаланиш мумкин?
5. Технологик харита ва уни аҳамияти нимада?
6. Касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам берадиган технологияларга тавсиф беринг.

Адабиётлар

1. Ж.Г.Йулдошев, С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари. Т.2004 йил.
2. Р.Ж.Ишмухаммедов. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.Т.2004 йил.

Мусиқа қабул этишни ташкил этиш муаммолари

Мусиқа санъат сифатида ижтимоий онг формасидир. У кишининг хис туйғуларини ифодаш билан бирга ҳаётни воқийлик ва давр инъекосидир. Мусиқа дарси жараёнининг асосий омиллари сифатида қуйдагилар мавжуд: мусикани эшитиб завқланиш, қўшиқ ижро этиш, мусиқа саводига доир хусусиятларини англаб олиш, рақсга тушиш ва мусиқа остида турли ҳаракатларни бажариш, чапак ва чолғу асбоблари ижросини мақсадни идрок этиб боришдан иборат: ижро этиб мусиқага жўр бўлиш, учун белгиланган мусиқа дарсини юқоридаги мақсадни амалга оширишда энг аввал ўқувчиларни тинглай олиш маданиятига ўргатиш керак. Мусиқий тарбия вазифаларини бажариш уни амалга ошириш учун ўқувчиларни тинглашга ўргатиш керак. Аксарият кўпгина одамлар жиддий мусикани тинглашмайди чунки уни тушунишмайди. Тушуниш учун эса тайёргарлик талаб этилади. Агар тайёргарлик кўрилмаса билим ҳам бўлмайди. Тинглашга ўргатиш қўшиқ ижро этишдан мураккабдир. (масалан: симфоник мусикалар, опера ва бошкалар).

Ўқувчиларни мусиқадаги юксак бадиийлигини таништириш лозим. Бундай асарлар ўқувчиларни дунёқарашини кенгайтиради ва мусиқий дидини тарбиялайди. Кўп сонли саводхон тингловчиларни тарбиялаш учун мусиқа шайдоларини болалигидан мусикани тушунишга ва уни севишга ўргатиш лозимдир. Мусикани севиш – бу мусикани доим тинглаш демакдир. Мусикани тушуниш – бу хис этиш, таҳлил этиш, билиш демакдир.

Аваламбор ўқувчиларни тинч ва бошидан охиригача асарни тинглашга ўргатишимиз керак. Ўқитувчи ўқувчиларга асарни тинглаш жараёнида нималарга этибор бериш лозимлигини айтиб ўтиш керак. Ўқитувчи тинглаш давомида раҳбарлик қилиши лозимдир. Энг муҳими тингланаётган асар ўқувчилар ёшига мос ва эса қоладиган бўлиши лозимдир.

Ўқитувчи тингланаётган асар мазмуни орқали ахлоқий эстетик тарбия бериши лозим.

Мусика тинглашга ўргатишда ўқитувчи олдида қўйиладиган вазифалар:

- мусика санъатига ҳавас уйғотиш, мусика тинглаш ва амалий воситалар орқали қизиқтириш болаларда мусиқий эҳтиёжни кучайтириш, ўқувчиларда бадиий таассуротларни тўплаб бориш. (савол жавоб, суҳбатлар орқали).

Бунинг учун:

1. Тингланаётган асарни оддий мусиқий педагогик таҳлил этиш.
2. Тинглашда оддий мусика терминларини ва атамаларини қўллаб бориш.
3. Куйнинг оддий тузилиши, унинг ифода воситаларини, ритмик тузилишларига қараб чапак чалиш ва куйлашга ўргатиш.
4. Мусика ижодкорлари, ижрочилар турлари чолғу асбоблари билан таништириш.

Шунингдек:

1. Мусиқий жанрларини билиш (ракс, балет, опера ва бошқалар).
2. Асарнинг тузилишини билиш (бандли, 2 қисмли ёки 3 қисмли).
3. Композиторларнинг ҳаёти ва ижодини билиш.
4. Мусиқий нутқни элементларини билиш (характери, темпи, динамикаси, мусиқий ифода воситалари ва бошқалар).
5. Мусиқий эстетик маълумотларини билиш. (тинглаш маданияти).

Ўқувчилар 1-синфданок мусикада мазмун борлигини у кишиларнинг ҳаётини акс эттиришини билишлари лозим. Шунингек, мусикада шакл борлигини билишлари керак. (мазмун - бу ифода этиш ёки тасвирлаш, шакл - бу композиторни асар мазмунини ифода этишга боғлиқ).

Ўқувчиларда мусика дидини тарбиялашда ўқитувчининг маҳорати муҳим роль ўйнайди.

Мусика тинглаш 4 босқичда олиб борилади.

1. Асарни тушуниш учун болалар диққатини жамлаш ва асар хақида ўқитувчининг кириш сўзи.
2. Ўқитувчи ижросида ёки аудио ёзувида мусиқий асарни тинглаш.
3. Асарни суҳбат йўли билан мусиқий бадиий жихатдан оддий таҳлил этиш ва чорак мавзусини ёритиш.

4. Асарни тўлиқ қайта тинглаш сўнг асар ҳақида болаларнинг умум таасуротлари юзасидан якуний суҳбат ўтказиш.

(2-синфда мусиқа дарслари.)

3.2.
Яккановозлик, жўрнавозлик ва жўрсозлик.

Тинглаш маданияти

Ўқувчиларга янги мавзуларни тушунтиришдан аввал ўтилган мавзу мустаҳкамланади ва янги мавзуга боғланган ҳолда дарс олиб борилади. Уш дарсда «Бумеранг технологияси» қўлланилади.

Синф ўқувчиларига савол берилади.

Мусиқачилар кимлар?

Синф ўқувчиларининг жавобидан сўнг қуйидагича тўлдирилади:

Бизни жуда кўп товушлар қамраб олган: Уйда, кўчада, боғда, далада (Аслида ҳақиқий атроф оламидаги мусиқа нарса-ходисалар мужассамланган. Ижодкор уларни асбоблар ёрдамида ўргатади).

Ҳақиқий мусиқий товушлар мусиқий асбобларда яшайдилар.

Шунингдек, хонандалар товушларида, хорда. Созандалар, хонандалар ижро этганидагина товушлар жарангладилар. Энди шундан келиб чиқиб жараён характер хусусиятига қараб яккановозлик, жўрнавозлик жўрсозликка бўлинади. Бир кўшик бир овозда ижро этилса «Яккановоз» икки, уч, тўрт киши бирга ижро этса «Жўрнавоз» ёки шу ижро созандачилар ҳам қўшилса «Жўрсоз» дейилади.

Тарқатма материаллар ёрдамида дарс мавзуси тушунтирилади.

Ўқувчилар 3 та гуруҳчаларга бўлинадилар.

1. Гуруҳчаларга материаллар тарқатилади.

1-топширик. Ушбу расмда берилган Яккановозни, жўрнавозни жўрсозни топинг. (1-расм)

| | |
|-------|--|
| Якка | |
| Навоз | |



| | |
|-------|--|
| Жўр | |
| навоз | |



| | |
|--------|--|
| Жўрсоз | |
|--------|--|



2-расм

1-расм

Танланган жавобни карточкаларда тасвирланган расм ёнидаги бўш жойга жойлаштиринг. (2-расм)

Тўлдирилган карточкалар доскага илиниб қўйилади. (Ҳар бир гуруҳ карточкалари алоҳида скоч ёрдамида илинади.)

Ҳар бир гуруҳдан вакил чиқиб мавзунини тушунтириб беради.

Ҳар бир карточкалардаги гуруҳ жавоблари таҳлил қилинади ва хулоса қилирилади.

Тинглаш маданияти

Сиз ҳаётда жуда кўп мусиқа тинглайсиз.

Радио-телевидение орқали, театр ва концертларда, кино лавҳаларида, мактабда ва уйда. Мусиқа янграйди. Халқ ўз ҳаётини кўшиқда, мусикий оҳангда, рақса ифода этади. Кўп мусиқаларни композиторлар яратадилар.

Улар кўшиқлар, куйлар, опера, балетлар, хор ва оркестр учун асарлардир.

Мусиқа тинглашни билиш зарурдир. Бунинг учун қуйидаги қоидагаларга риоя этиш жуда зарурдир.

1. Мусиқани диққат билан тинчликда тингланг.
2. Тўғри ва қулай ўтиринг.
3. Шовкин қилманг, гаплашманг, дўстларингизга мусиқа тинглашга ҳалакит берманг.

4. Мусиқа тўхтаганида қалбингиздаги мусиқани тингланг ва фикр юритинг.

Мусиқа сизда қандай таасурот қолдирди?

Мусиқа тинглаганда кўз олдингизга нима келди?

Композитор ушбу мусиқа орқали нима демокчи?

Мусиқа қандай ўзгарди?

Ким уни ижро этди? (яккаовозми? жўрнавозликми? Жўрсозликми? оркестрми? ва бошқалар.)

5. Диққат билан ўқитувчини саволини эшитинг, ўз таассуротларингиз ҳақида гапириб беринг, мусиқа ҳақида фикр юритинг, асар ҳақидаги суҳбатда қатнашинг.

6. Уйда мусиқа тингланг.

IV. Янги ўқув материалларни мустаҳкамлаш ва талабалар билимини баҳолаш. (12 минут.)

Назорат учун саволлар

1. Мусиқа тинглашнинг аҳамияти нимада?
2. Дарсда мусиқа тинглаш мақсадини айтиб беринг.
3. Мусиқа тинглаш этапларини айтинг.
4. Ўқувчиларга тинглаш маданиятини қандай тушунтириш мумкин?
5. Асарни бадиий ғоявий мазмуни орқали ўқувчиларни ахлоқий эстетик тарбия беришда ўқитувчи олдида қандай вазифалар қўйилади?

Адабиётлар

1. Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев Педагогика. Т.2001 йил.
2. Х.Нурматов, Н.Норхўжаев Мусиқа 2-синф. Т.2003 йил
3. Г.М.Шарипова Бошланғич синфларда мусиқа ўқитиш методикаси Т.2004 йил.
4. Д.Омонуллаева, П.Мўмин Алифбо кўшиқлари. Т.2000 йил.

Мусикада ижодий жараённи ташкил этиш муаммолари

Ўқувчиларнинг мусика маданияти дарсига бўлган кизиқишни ўстириш учун дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дарсларни тўғри ташкил этиш давр талабидир. Мусика таълими жараёнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, илғор ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиш, дарсни турли босқичларига бўлиб ўтиш ижобий натижалар беради.

1. Ўқувчиларни дарсга мослаштириш, хайрихоҳлик муносабатларини ҳосил қилиш, бажариладиган ишлар билан таништириш, яқка тартибдаги ва жамoa вазифаларини белгилаш.

2. Ўқувчиларни билим ва малакаларни мустаҳкамлаш.

Бунда ўқувчиларнинг мустақил фикрлай олишлари учун билимларини даражасини кенгайтиришга, мавзуга ижодий ёндошиш кўникмаларини ўстиришга, фикрлаш қобилияти фаоллигини, такомиллаштиришга эришилади.

3. Эшитиш, идорк этиши орқали билмлар даражасини аниқланилаш. Шу жараёнда ўқувчиларнинг идорк этиш қобилиятлари текшириб кўрилади.

Ўқувчиларни мусика дарсига тезда жалб этиб, шу дарсга мослашиш аломатларини шакллантириб боришига ҳам эътиборни қаратмоқ лозим.

Бунинг учун:

Дарснинг бошланиш қисмида кувноқ шўх, жозибали бирир мусика асари тинглаш тавсия этилади. Дарсда тингланган бу мусика ўқувчиларда кўтаринкилик кайфияти ҳосил қилади. Энг муҳими дарснинг сифатли, кизиқарли ўтишига ёрдам беради.

Ўқитувчи томонидан ўқувчиларда ҳосил бўлган билим даражасини ўрганиш ҳамда олдингилари билан таққослаб бориш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларида ижодни бошланиши ёрқин ва моён бўлади ёш ўқувчилар жудаям кашфиётчи бўладилар: талаффузни тақлид қилишади, образли эртак мазмунларини енгил қабул этишади,

хикояни, қўшиқларни, мусиқий асарларни, табиатан актив қабул қилишади. Ёш ўқувчиларда табиатан активлик берилган бўлиб, уларда ижодий қобилиятларига ишонч бўлади. Мана шулар кичик ёшдаги ўқувчиларни ижодини шаклланишини ривожланишдир. Ижод ўқувчиларни хотирасини активлаштиради, фикрлашни, кузатувчанликни, мақсадга интилишни ривожлантиради.

Мусиқий ижодкорлик-фикрлаш билан бирга эмоционал активликни ҳамда тез бир қарорга келиш қобилиятларини шакллантиради. Ўқувчиларни ижоди бу мустақил фаолият билан боғлиқдир. Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчилар ижодида асосан мусиқий амалиётни ўрганиш ва қизиқтиришда намоён бўлади.

Ижодий фаолиятга тайёрлаш уч йўналишда кузатилади.

1. Хаётий мусиқий таасуротлар билан бойитишда. Масалан: Эртақлар, шеърлар, миллий анъаналар, китобдаги асар қаҳрамонлари ва мусиқий ўйинларни ўтказишда асосий негизни яратадилар.

2. Бу ўқувчиларни ижодий ҳаракат усуллари билан таништиради. Бу мақсадда уларга содда асарлар, қўшиқлар, ритмик усуллар билан оҳанг талаффузлари берилади. Мусиқий ижод намуналаридан: Масалан, асарга ритмик кириш қисмини яратиш (ўрганиладиган қўшиқ асарларига кириш қисми берилиши мумкин бу ижодий ҳаракат қобилиятини ривожлантиришга қаратилади.

3. Бунда олдин ўқитувчи кўрсатади, кейин ҳамкорликда қўшиқ тахлили ва мақсадга йўналтирилган ижро режаси айтилади. Бу яхши таниш қўшиқлар орқали тушунтирилади. Бир хил ва ҳар хил оҳанг ҳар хил мусиқий образ ва мусиқий характерларни ифодасига боғлиқ бўлган асарлар орқали ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш катта аҳамиятга эгадир. Масалан: оҳанг куйларининг вариантларини яратиш учун, ўқувчи талаффузи, ритмик тажриба ва оҳангларни мавжудлигини тушуниши лозим (шеър матни, мусиқанинг ритмик тузилиши, оҳанг тузилиши).

4. Ўқувчиларда ижодий фаолиятларини шакллантиришда ижодий топшириқлар катта рол ўйнайди. Буни бажариш кўпроқ ўқитувчига боғлиқдир. Ўқитувчи ижодий топшириқларни таклиф этишда ўйин формасини қўллайди. Топшириқни бажаришда ўйин қоидалари ва мазмун айтиб турилади. Ўйин дарсда эмоционал ҳозиржавобликни ташкил этиши керак. Бу жуда муҳим бўлиб, ўқувчиларда ижодий йўналишларини шакллантиради. Ўқитувчи ўқувчини ижодий ривожланишига катта аҳамият бериши керак. Мусиқа тинглашда, қўшиқ ижро этишда, болалар чолғу ва бобода жўр бўлишда ва шунингдек, мусиқий ритмик ҳаракат ва бошқалар.

3.2 3-синфда мусиқа дарслари

1. Мусиқанинг ифода воситалари.)

2. Мусиқадаги динамик белгилар.

Дарсинг бориши

А) Ўқувчиларда янги мавзуларни тушунтиришдан аввал ўтилган мавзулар мустаҳкамланади ва дарсда янги мавзу олдинги мавзуларга боғлаб ўтилади ушбу дарсда «Скарабей» технологияси қўлланилади.

Мусиқанинг ифода воситалари

Мусиқанинг мазмуни ёритишида турли ифода воситаларидан фойдаланилади. Ифода воситаларига суръат, усул, товуш кабилар киради. Қуйидаги уч мисолда мусиқанинг ифода воситаларидан бири бўлган суръатнинг куй кайфиятига қандай таъсир этишни кузатиш.

Қувнок, ўртача ва оғир суръатдаги асар парчаларидан ўқувчиларга тинглаш учун берилиб ўқитувчи томонидан тушунтирилади

Мусиқанинг динамик белгилари

Композиторлар бирон – бир мусиқа асарни яратганларида уларнинг маълум бир қисмларини кучли ёки кучсиз ижро қилинишини махсус

белгилар билан кўрсатади. Бу белгилар асарни ёқимли жилоли эшитилишига ёрдам беради. Мусикада бу белгилар «Динамик белгилар» деб аталади.

f - (forte) – кучли

mf – (mezzo forte) – кучлироқ




p – (piano) - кучсиз

mp – (mezzo piano) – кучсизроқ




Сўнгра тарқатма материаллар орқали янги мавзу мустахкамланади. Синф ўқувчилари 3 та гуруҳга бўлинадилар. Гуруҳларга карточкалар аралаштирилиб тарқатилади ва топширик тушунтирилади.

Гуруҳдаги ўқувчиларнинг вазифаси: 1) Суръати, товуш жўшқинлиги, товуш жарангдорликларини кўйидаги расмда кўрсатилгандек мустақил жойлаштириш. 2) Ўқувчиларга ўқитувчи томонидан мусикий асарлар (қувнок, нафис, куйчанг) тинглаш учун берилади (аудиоёзувда ёки ижро этилади). Гуруҳлар шу мусика мазмунига мос эртак сўзлаб бериш.




Суръати



Товуш жўшқин.



Товуш жарангдорлиги



Ҳар бир гуруҳнинг жойлаштирилган карточкалари доскага скоч ёрдамида илиниб қўйилади. Ҳар бир гуруҳдан вакил чиқиб гуруҳларнинг мусиқага мос эртак мазмунини тушунтириб берадилар. Гуруҳ жавоблари таҳлил қилиниб хулоса келтирилади.

Назорат учун саволлар

1. Ўқувчиларни мусиқа дарсига бўлган қизиқишини қандай босқичларда амалга ошириш мумкин?
2. Бошланғич синфларда ўқувчилар ижодини қандай шакллантириш мумкин?
3. Ўқувчиларни ижодий фаолиятига тайёрлаш босқичларини айтинг.
4. Мусиқа дарсларида олиб бориладиган ижодий топшириқларга мисоллар келтиринг.
5. Ўқувчиларни хотирасини активлаштириш учун қандай методлардан фойдаланиш мумкин?
6. Ўқувчиларга янги технологиялар бўйича топшириқлар берилганда унинг қоидаларини эслатиш шартми? Шарт бўлса уни ахамияти нимада?

Адабиётлар

1. Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбикий мисоллари.
2. Р.Мавлянова, О.Тўраева, К.Холикбердиев. Педагогика. Т.2001 йил.
3. Х.Нурматов, Н.Норхўжаев. Мусиқа. 3- синф. Т.2003 йил.

Ўқувчилар шахсиятида мусиқий психологик ва баолоғат ёшидаги хусусиятларини эътиборга олиш муаммолари

Педагогикада ривожланиш ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги муҳим муаммолардан булиб, у кўп мунозараларга сабаб бўлади. Шахснинг ривожланиши қийин мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташқи таъсирлар ва омиллар орқали рўёбга чиқади. Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб ўзгариб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўсмирлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади. Ривожланиш деганда биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиши жараёнини тушунамиз. «Шахс» тушунчаси психологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилган. Инсон руҳий олами қонуниятлари билан қизиққан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахсни четлаб ўтолмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки. «Homo sapiens» - «ақлли зот» тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган эмиш. Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараёнида ер юзида сақланиб қолган минглаб миллат ва эллатларнинг кейинги даврдаги тараққиёти кўпроқ биологик омиллардан кўра, ижтимоий-социал омиллар таъсирида рўй бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир индивидни ёки шахсни ўрганиш масаласи унинг бевосита ижтимоий муҳити ва унинг ижтимоий нормалари доирасида ўрганишни тақозо этади.

Социал ёки ижтимоий муҳит – бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг инсоният тажрибаси, маданияти ва қабул қилинган, тан олинган ижтимоий хулқ нормалари доирасидаги ҳаракатларида номоён бўлади. Психология илмининг номоёндалари бўлмиш олимларнинг бутун бир авлоди ана шу шахс ва жамият алоқалари тизимида

инсоннинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши ва камол топиши қонуниятларини излаганлар. Абу Наср Фаробий, А.Навоий, Ибн Сино, Беруний каби юзлаб Шарқ алломалари ҳам бу ўзаро боғлиқликнинг фалсафий ва ижтимоий сирларини очишга ўзларининг энг дурдона асарларини бағишлаганлар. Барча қарашларга умумий бўлган нарса шу бўлганки, одамни, унинг моҳиятини англаш учун аввало унинг шу жамиятда тулган ўрни ва мавқеини билиш зарур. Шахсни ўрганишнинг бирламчи мезони ҳам шундан келиб чиққан ҳолда, унинг ижтимоий мавқеи, ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни билан белгиланиши керак.

Лекин, шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар масаласи бирданига, бир хил ечимга келинмаган. Бу ўзаро муносабатлар асосан икки нуктадан назардан келиб чиқади.

Нативизм йўналишининг тарафдорлари инсонлардаги барча хусусиятларни туғма ҳарактерга эга, деб эътироф этадилар.

Эмпиризм тарафдорларининг фикрича, янги туғилган бола гўёки «топ-тоза пахта» (tabula rasa), унга ҳаёт ва ундаги талаблар ўзининг қонуниятларини ёзади ва бола уларга сўзсиз бўйсунушга мажбур. Бу йўналишнинг асосчиларидан бири Дж. Локк бўлиб (1632-1704) унинг фикрича, туғма фикрлар ёки ғоялар бўлиши мумкин эмас, улар хоши-тилак ва оғриқ каби элементлар сезгиларнинг қайта ишланиши натижаларидир. Ҳаётда ана шунга ўхшаш турли хил сезгилар ва ғояларнинг ассоциацияси рўй беради.

Г.Лейбниц (1646-1716) Локкка эътироз билдириб, ҳаётда умуман тоза, соф досканинг ўзи бўлмайди, хаттоки, энг яхши силлиқланг мармар юзасида ҳам сезиларли тешиқлар, дўнглиқлар ёки туғма асоратлар бўладикки, улар давқатлардек, инсон тақдирида маълум роль ўйнайди. Бу иккала йирик йўналиш ўртасидаги тортишувларга чек қўйиш мақсадида Ф. Гальтон қатор экспериментал тадқиқотлар ўтказиб, ҳар бир индивидга хос дифференциал хусусиятлар мавжудлигини «эгизаклар методи» ёрдамида асослашга ҳаракат

қилди. 2-жадвалда Гальтон томонидан ирсий ва орттирилган сифатлар муносабати юзасидан аниқланган натижалардан келтирилган.

Муסיкий қобилиятлардаги ирсий хусусиятлар

| Ота-оналар Болалар | Муסיқага мойил | Муסיқага мойил эмас |
|---------------------|----------------|---------------------|
| Муסיқага мойил | 85% | 7% |
| Муסיқага мойил эмас | 25% | 58% |

Эгизаклардаги муסיқага мойилликнинг корреляцион кўрсаткичи ҳам юкори бўлиб ($r=0,7$), эгизак бўлмаганлардан анча фарқ қилади ($r=0,3-0,4$).

Гальтондан кейинги тадқиқотларда муסיқага бўлган қобилиятга она тилининг хусусияти таъсир қилиши аниқланди: юмшоқ-тонал ёки кескир (қўпол) – тонал бўлмаган тиллар. Масалан, кескинроқ ҳисобланган рус тилида гапирувчи болалардаги муסיқани идрок қилиш юмшоқ, тонал тилларда сўзлашувчи вьетнамликларнинг идрокидан анча паст чиққан.

Лекин юкоридаги фикрлар ва тортишувларнинг келиб чиқиш сабаби тушунарли бўлиши керак: улар инсоннинг асл моҳиятини тушуниш ва унинг хулқини бошқариш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Демак, инсон жамият аъзоси сифатида унинг нормаларига бўйсунди, унинг кутишларига жавоб беришга ҳаракат қилади ва ўз хулқини унинг талабларига монанд қилишга интилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб шахс феноменига таъриф бериш мумкин.

Ш а х с - ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъектив бўлмиш индивиддир. Шахсга таалукли бўлган энг муҳим тасниф ҳам унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишлиқдир.

Шахсга таалукли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, шу ташки, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Оддий

қилди. 2-жадвалда Гальтон томонидан ирсий ва орттирилган сифатлар муносабати юзасидан аниқланган натижалардан келтирилган.

Муסיқий қобилиятлардаги ирсий хусусиятлар

| Ота-оналар Болалар | Муסיқага мойил | Муסיқага мойил эмас |
|---------------------|----------------|---------------------|
| Муסיқага мойил | 85% | 7% |
| Муסיқага мойил эмас | 25% | 58% |

Эгизаклардаги муסיқага мойилликнинг корреляцион кўрсаткичи ҳам юқори бўлиб ($r=0,7$), эгизак бўлмаганлардан анча фарқ қилади ($r=0,3-0,4$).

Гальтондан кейинги тадқиқотларда муסיқага бўлган қобилиятга она тилининг хусусияти таъсир қилиши аниқланди: юмшоқ-тонал ёки кескир (кўпол) – тонал бўлмаган тиллар. Масалан, кескинрок ҳисобланган рус тилида гапирувчи болалардаги муסיқани идрок қилиш юмшоқ, тонал тилларда сўзлашувчи вьетнамликларнинг идрокидан анча паст чиққан.

Лекин юқоридаги фикрлар ва тортишувларнинг келиб чиқиш сабаби тушунарли бўлиши керак: улар инсоннинг асл моҳиятини тушуниш ва унинг хулқини бошқариш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Демак, инсон жамият аъзоси сифатида унинг нормаларига бўйсунди, унинг кутишларига жавоб беришга ҳаракат қилади ва ўз хулқини унинг талабларига монанд қилишга интилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб шахс феноменига таъриф бериш мумкин.

✓ **Ш а х с** - ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъектив бўлмиш индивиддир. Шахсга таалукли бўлган энг муҳим тасниф ҳам унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишлиқдир. ✓

Шахсга таалукли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, шу ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Оддий

қилиб айтганда, инсон боласи илк ёшликданок «менинг ҳаётим», «бизнинг дунё» деган ижтимоий муҳитга тушади. Бу муҳит ўша биз билган ва ҳар куни қилганимизни қиладиган сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ оламидир. Бу муҳит – келишувлар, тартиб-таътиблар, ҳамкорликлар, анъаналар, удумлар, турли хил тиллар олами бўлиб, ундаги кўплаб қоидаларга кўпчилик мутлоқ қўшиллади, баъзилар қисман қўшилади. Бу шундай қоидалар ва нормалар оламики, уларга қўйсунмаслик жамият томонидан қораланади, таъкидланади. Шулардан қилиб чиқадиган хулоса шуки, шахс жамиятга нисбатан бача тартиб - қоидаларни қабул қилувчи субъект бўлса, жамият-ижтимоий интизом ва тартибнинг, маданиятнинг муфассал кўринишидир.

Шахс ижтимоий ҳулқига турли ташқи кучлар таъсир қилади: сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар. Бу таъсиротлар жамиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айрим алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат ва бошқа) билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахсдаги турли ғоялар, фикрлар ва мафкура мафкуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб ва бошқа ўқув ва тарбия муассасалари орқали онгга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса ва унда яна янгидан-янги фикрлар ва ғояларнинг пайдо бўлиши ва ўсишига олиб келса, шахс тараққиёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, у ўз қобилиятлари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ё ўқитувчи, ёки врач, ёки олим, кинорежиссёр, муҳандис бўлиб, элу-юртига хизмат қилади. ✓

Иқтисодий муносабатлар ҳам шахс онги ва унинг инсоний хусусиятлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Масалан, босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон шароитини оладиган бўлсак, янгича иқтисодий ўзгаришлар, бозор, рақобат, легализация, яъни эркинлаштириш ва шунга ўхшаш янгиликлар ҳар бир шахснинг моддий бойликлар ва уларга

бўлган шахсий муносабатларида акс этиб, унинг иқтисодий онги, тафаккури ва иқтисодий онги, тафаккури ва иқтисодий хулқи нормаларини белгилайди.

Ижтимоий нормалар, санкциялар ва шахс. *Ижтимоий норма* – шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ-атвориға нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, «Ассалому алайкум» деб келиши – норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги – норма; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарға, ногиронларға ўрин бўшатиши – норма ва ҳоказо. Бу нормаларни айрим-алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётини вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги факти билан характерланади, ҳар бир жамият. Давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психология муҳрланади.

Ижтимоий нормаларни у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. *Ижтимоий санкциялар* - нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объекттига айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз. Масалан, юқоридаги мисолда агар жамоат транспортида катта мўйсафид кишига ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айблов кўзи билан қараши, ёки оғзаки танбех бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг қўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, «кўзини мошдай қилиб очиб қўйиш» ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни

Бажариши мобайнида хулкида намоён этади. Рол – шахсга нисбатан шундай турмушчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан келатган ҳаракатлари мажмини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган ўқувчи, уни бажариш – у ёки бу олий ўқув юртида таҳсил олиш, унинг шундай базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, шариъатнинг ижтимоий ҳимоясида каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда ўқувчи олийгоҳ ички тартиб – интизоми нормаларига сўзсиз бўйсунуш, таълимга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолов талаблари доирасида кундалик ўқув-таълим нормаларини бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган вазифачилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ҳам ўз ичига олади. Бу рол унинг уйига келган бажарадиган «фарзандлик» роли (ота ва она, яқин қариндошлар билан) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади. Яъни, конкрет шахснинг ўзига таълим ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли-туман ижтимоий ролларнинг характеридан келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир «тартибли, беъмани, фозил ахлокли ва одобли» дейилса, кимдир-беъмани, бебош, қўрқувчан, иккиюзламачи (яъни, бир шароитда жуда қобил, бошқа ерда - бестартиб) деган ҳаётий мавқега эга бўлиб қолади.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўплиги сабабли ҳам, турли вазиятлардаги унинг мавқеи – статуси ҳам турлича ўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли) у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги ва ҳаётда, ўша вазиятда бошқачароқ, ноқулай ва нобопроқ мавқени эгаллаб қолиши мумкин. Қолаверса кўплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши ҳам мумкин – шахс ички руҳий қийинчиликларини ҳам бошдан кечириши мумкин. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида шундай дастурида берилган асарни ижро эта олмайди ва руҳий азобга тушади. Қўрқувчанлар олдида уялиб қолмаслик учун ҳар куни дарс тайёрлашга ҳаракат қилади.

Ўспиринлик даврида шахс ижтимоийлашуви. Шахс унинг дунёни билиш ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни билиш тушуниши ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги такрорланмас индивидуаллиликни намаён қилиши ҳамда ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлиқ айрим жиҳатларини таҳлил қилиш бизга умумий равишда шахс жамиятда яшайдиган ижтимоий мавжудоддир, деган хулосани қайтаришга имкон беради. Яъни у туғилган онгдан бошлаб ўзига ўхшаш инсонлар қуршовида бўлади ва унинг бутун рухий потенциали анна шу муҳитда намаён бўлади. Чунки агар инсоннинг унтогенетик тараққиёти тарихига эътибор берадиган бўлсак ҳали гапирмай туриб одам боласи ўзига ўхшаш мавжудодлар даврасига тушади ва кейингина ижтимоий мулоқатнинг барча кўринишларининг фаол объекти ва субъектига айланади. Шу нуқтаи назардан ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда ижтимоийлашув ёки социализация деб юритилади.

2. Шахсни камол топтиришда тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги.

Мехнатсеварлик руҳида тарбиялаш. Жисмоний ва аклий меҳнатга бирдай ҳурматда бўлиш каби ҳислатларни шакллантириш ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Руспубликамизда бозор иқтисодиёти шароити шаклланилаётган бир кезде ўқувчиларда турмушга ва меҳнатга янгича муносабатни, лаёқатни шакллантириш-меҳнат тарбиясининг мақсадларидан биридир. Бунда, албатта ишлаб чиқаришнинг асосий шакллари айниқса иқтисодий муносабатларининг янги-янги омилларини, уларга таниш хизмат турларини белгилаб олиш даркор. Болаларда мусикага, касб -ҳунарга бўлган муҳаббатни уйғотиш жараёнида уларнинг ижодий нисбатларини шакллантиришга ҳам эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчиларни қуйи синфдан касбга йуналтириб,

синфни тугатганларида академик лицей ёки касб хунар коллежларига қўлланма бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни бозор шароитига ўргатишнинг ўзи уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнат туфайли фойда олиш ҳақидаги амалий билимларини бойитади. Болаларни жамоа бўлиб, ҳамкорликдаги меҳнати натижасида махсулот сони ва Хизмат турларини ошириш мумкинлигига ўргатиш лозим. Синф концертлари ва тадбирларга, уста – шогирд мактабларига қатнашиб, куча куйларни тартибга келтиришдаги мактабгача таълим муассасасаларидаги ва шунга ўхшаш ишларни қўллаб қуватлаш лозим. Улар бу ишларнинг барчасидан фойда топиш малакасини ошириб боришлари

Бугунги кунда жаҳонда тан олинган моддий ва маънавий одамларнинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантириб турганидан бирдан-бир восита эканлигини англамоқ керак. Бу муносабатларда кўрсаткичларга эришиш учун қатъий интизомга техник ва иқтисодий таълимга малакавий мутахассисларга ишни тўғри ривожлантиришга эътибор берилган. Ўқувчи бозор қарам-қаршиликларни ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида билиш керак.

Бугунги кунда мукамал иқтисодий тарбияни такомиллаштиримасдан бўлмайди. Шу боис ўқитувчи синф раҳбари, мактабдан ташқари таълим муассаса ходимлари нафақат билим беришлари, балки ўқувчиларда иқтисодий фаолият малакасини ҳосил этиш, бозор муносабатлари шароитида мустақил фикрлашга ўргатиш лозим бўлади.

Ишга ижодий ёндашувнинг ривож топқирлик, ихтирочилик, инновационлик фаоллик ва ташаббус туфайлигина юқори самара берувчи фойда юзага келиши мумкинлигини тушунтирилса, ўқувчилар иқтисодий фаолиятда муваффақият қозонади.

Мактабда ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда сўзсиз уларда бир-бирини қўллаб-қуватлаш, меҳрибонлик, ҳушмуомилалик фазилатлари шакллантириб борилади. Меҳнат тарбиясида болаларни тизимида иқтисодий

билимлар билан қуроллантириш, жонкуяр ва қарама-қаршиликлардан оқилона фойдалана оладиган қилиб тарбиялаш жуда муҳимдир.

Умумтаълим мактабларнинг олтинчи, еттинчи синфларида олинган билим ва малакалар чуқурлашади. Айниқса шу ёшдаги ўсмир ўқувчилар мусиқани бадиий жихатдан мустақил тинглаб уни мукамал идрок этадилар. Мусиқа дарсларининг мақсад ва вазифалари, ўқувчиларнинг психологик – физиологик хусусиятлари ва мусиқий укуви, олдинги синфларда олган билим ва малакаларини даражасига асосланиб белгиланади. Бу синфда амалга оширилиши лозим бўлган мақсадлар, мусиқа тарбиясининг бош мезони - ўқувчиларнинг маънавий бойлигининг таркибий қисми бўлган мусиқий маданиятни шакллантиришга қаратилади. Мазкур мақсадларни қуйидагича амалга ошириш белгиланади:

1. Дарснинг барча фаолиятлари воситасида доимий равишда ўқувчиларнинг мусиқавий иқтидорини ривожлантириб бориш.

2. Вокал – хор малакаларини ривожлантириб, яқка жамоа бўлиб куйлаш, икки овозли куйлашга ўргатиш.

3. Мусиқа идрокини ривожлантириш ва асарларни тузилиши, шакли, лади, муаллифлари, темпи, хақида фикр юритишга ўргатиш ва эстетик завкланиш воситасида хотираси, нутки, дунёқарашини ўстириш.

4. Мусиқа саводидан, оддий мусиқа терминларини ва атамаларини моҳиятини мусиқа амалиётида билиш ва ҳар бир мусиқа асосида куйлаб бориш. 6-синф ўқувчиларида ўспиринлик даври бошланади. Бунинг натижасида организмда актив ўзгаришлар рўй беради. Физиологик – психологик жихатдан ўқувчиларни овозини ўрганиши, бўйнинг ўсиши, фанларга қизиқиши, мустақил фикр юрита олиши қобилиятлари ривожлана бошлайди. Натижада бош мия, етарли даражада озуқа ололмай, хорғинлик ҳолатлари рўй беради. Яъни, дрс давомида ўқувчиларни диққат эътибори тарқалади. Уларни жалб этиш қийинлашади. Бу даврда уларга жиддий, меҳрибонона муносабатда бўлиш, дўстона суҳбатлашиш талаб этилади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчини яхши ўрганиши лозим. Чунки,

Ўқувчилар катталарни муносабатига жиддий эътибор берадилар, улар кўпроқ катталар билан муомалада бўлишларини истайдилар. Болаларнинг интизомида айрим ўзаришлари пайдо бўлади, боланинг истаги ва қобилияти орасида тафовутлар содир бўлиб туради. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан кўра малака ва тарбиячиликни талаб этади. Бундай ҳолатда ўқитувчи ўқувчиларни қуйи синфларда олган билим ва малакаларга ва ҳаётий вазифаларга суяниб иш тутиши яхши натижа беради. Бунинг учун дарс мазмунини ҳаёт билан боғлаб олиб бориш зарур. Қўшиқ ўргатиш ва мусиқа тинглаш жараёнида асарлар ҳақида сўзлаш, парчалар куйлаш болаларда кўшиқчиликни уйғотади. Бунда иасар мазмунини батафсил тушунтириш лозим. Асарларни таҳлил этишда болаларни актив қатнаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир халқнинг ўз миллий мусиқа санъати мавжудлиги, мусиқа хар бир тарихий даврнинг бадиий акси эканлиги ҳақида болаларга аниқ тушунча ҳосил қилиши лозим. Шу асосда ўзбек мусикасининг қисқа тарихи чолғу асбоблари ва ўзбек халқ мусиқа жанрлари, мақомлари мумтоз кўшиқлари замонавий кўшиқларини таққослаб кўрсатиш мумкин. Масалан: «Ҳиннамақом», тожик ва ўзбек халқларининг азалий биродарлик рамзи эканлиги, уларнинг ва шарқ халқларининг кўп чолғу асбобларини ўқитишлиги, халқ, композиторлар томонидан яратилган асарлар ва замонавий мусиқа билан таништириб таққослаш лозим.

7-синф ўқувчиларида (14 ёшда) мутация даври кучаяди. Айниқса, ўғил болаларда овоз бойламлари йўғонлашиб, овоз регистри бир октавага пасаяди. Натижада ўқув, ва овоз ўртасидаги координация бузилиб, баъзан болалар интонациясини аниқ куйлай олмайдилар. Бундай пайтда ўқитувчи куйлаш учун қулай йўллари тушунтириши шунингдек асосий мақсадни куйлашга эмас балки янги технологиялар асосида дарсларни ўйин савол-жавоблар аргументи билан бериш мавзуларни кенгрок ва чуқуррок килиб тушунтириш лозимдир. Қўшиқ ижросига келганда эса овозни толиқтирмасдан эркин, равшан куйлашга ўргатиши керак. Мутация даврида болалар овозида кун сайин ўзгариш рўй беради. Буни ҳисобга олиб овоз партиясини кўпайтириш

лозим. Ёки овозларни транспартировка қилиб пастки товушларга тушириш лозим. Тажрибалар мутация даврида овозларни тўғри тақсимлаш, овозларни текис чиқиши ва қийинчиликларга дуч келмасликка олиб келади. Танланган кўшиқлар қаҳрамона, лирик, эстрада, ўзбек халқ кўшиқларидан бўлса, ўқувчиларда ўрганишга қизиқиш уйғотиш лозим. Баъзи бир кўшиқларни яққохон ёрдамида ҳам ўргатиш мумкин. Ашула айтганда динамик белгилари, темпи, бадий ижросига эришиш зарур. Еттинчи синфларда нотага қараб куйлаш, интерваллар, ўлчовлар, динамик белгилар, параллел мажор ва минор ладлари каби мавзуларда алоҳида тўхтаб ўтиб, мусиқали мисоллар келтириш мумкин. Мусиқали мисолларни куйлайдиган кўшиқлардан тингланган мусиқий асарлар асосида ва ўзбек халқ кўшиқлари мисолида келтириш мақсадида мувофиқдир. Бундан ташқари улар мусиқий асарнинг шаклини ҳам билишлари керак. Мусиқа тинглаш жараёнида ўтади. Халқ кўшиқлари, мақомлар, мумтоз халқ мусиқасининг маънавий услуби каби билимларга эга бўлишлари ва мустақил фикр юрита олишлари лозимдир.

Ўрганиладиган асарлар бадий ва ғоявий яхлит тассурот қолдириш учун уларни маълум мавзу асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай мавзулар бир ёки бир неча дарс асосида мусиқа қонуниятларини ижрочилик турлари ва унинг ифода воситаси бўлган маълум мазмун билан боғланиши мумкин.* Масалан: «Маҳаллий мусиқа услублари», «Мақом», «Катта ашула жанри», «Шацмақом» шулар жумласидандир. Ўқитувчи танланган мусиқа асарларини муайян тартибга солган ҳолда, ўқувчиларни мутация даврида овозига зиён етказмаслиги учун уларни овоз диапазони, иштиёқ ва завқи, мусиқа ва ашула соҳасидаги тайёргарлиги эътиборга олиниши лозим.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

1. Шахс ва ижтимоий муҳитни қандай тасвур этасиз?.
2. Шахсга ижобий муносабатлар таъсири ва натижалари.
3. Ижтимоий нормалар ва санкциялар.

4. Ўспиринлик даврида шахс ижтимоийлашуви.

5. Ўспиринлик даврида мусиқий маданиятни шакллантириш.

6. 6-синф мусиқа маданияти дарсларининг «Ўзбек замонавий мусиқаси» мавзуси бўйича дарс ишланмасини «Блиц» ўйин технологияси асосида тузинг.

7. 7-синф мусиқа маданияти дарсларини «Шашмақом чолғу (мушкilot) куйлари» мавзуси бўйича дарс ишланмасини «Бумеранг» технологияси асосида тузинг.

Адабиётлар

1. В.М.Каримова, Ф.А.Акрамова. Психология. Т.2000 йил.

2. Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.2006 йил.

3. Р.Ж.Ишмухаммедов. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.2004 йил.

4. Г.М.Шарипова. Мусиқа ўқитиш методикаси. Т.2000 йил.

5. С.Бегматов ва б. Мусиқа. 6-синф. Т.2002 йил.

6. О.Иброҳимов, Ж. Садиров. Мусиқа. 7- синф. 2003 йил.

Умумтаълим мактабларида дардан ташқари мусиқий машғулотлар

Ҳозирги даврда Фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқлари асосида келажгимиз бўлган ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш нихоятда зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш туғрисида»ги фармонда кўрсатилгандек, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз тарихий анъаналаримизга умуминсоний кадриятларга, ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимиздаги оширилаётган барча ислохатларнинг ҳал қилувчи омилдир. Дардан ташқари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йуналишларини топиб жорий этишга боғлиқ.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолда келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Эстетик тарбия ҳиссиётининг шаклланиши ва ривожини, гўзалликни тушуниш ва унга таъналик, шунингдек шахс тарбиясининг ажралмас қисми бўлган гўзаллик қонунлари асосида яшаш ва яратишга интилишдир. Йиллар давомида ва турли босқичларда олиб бориладиган ўқувчиларнинг эстетик тарбияси турлича тузилиши зарур. Машғулот шакли, мақсади, мазмуни, педагогик жиҳатдан ўзига хослиги, шунингдек иш режалари фан мантиқини ҳисобга олган ҳолда, болалар ёши ва имкониятига кўра фарқланиши лозим. Ўқувчилар серқирра атрофича таъсир этувчи эстетик кадриятларга йуналтириш лозим. Биринчи навбатда миллий кадриятлар, она замин табиати, миллий халқ санъати, Шарқнинг, Ўзбекистоннинг бадиий

маданияти, тарихига мухаббат туйғусини ривожлантириш. Бу борада асосий манбаа сифатида бадий эстетик кадрятларни, кадимий санъат турларини танлаш зарур. Миллий анъаналарга бой адабиёт, тасвирий санъат, айникса шарқ миниатюра саъати, хайкалтарошлик, мусика ва санъатнинг бошка турлари (театр, цирк ва х.к.) халкнинг ўтмишидаги ва замонавий турмуш тарзи, яшаш жойи кийиниши, меҳнат қуроллари ва ҳоказо.

Миллий санъат тарихига этнографиясига, меъморчилигига ва анъанавий санъат турларига алоҳида эътибор зарур. Ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида халқ педагогикаси асосларига таяниш-шарқ мутафаккирларининг доно фикр-мулохазаларидан, шунингдек жаҳон умуминсоний кадрятларидан фойдаланиш лозим.

Мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари олдида турган вазифа ягона ички эстетик тарбиянинг тизимларини яратишдир. Бу тизимлар шахснинг ҳар тамонлама яхши ривожланиш бутунлигини белгилайди. Бу танланган билимлар тизими, яъни эстетик туйғулар қизиқтиришларни сингдириш, ўрганиш, фикрлаш, мулоҳаза этиш, муносабат, баҳолар, ғоялар, мукамал билимни ошириш ва ўз-ўзини тарбиялашдир. Дарсдан ташқари ишларда эстетик тарбия мазмунини биринчи навбатда тизимли татбиқ этишга кўра уч вазифа бирлиги-таълимий, ривожланиб бориш, психологик ва педагогик жараёнлар муштараклигига, таълим жараёнида ва жамият талабларини эътиборга олишга, янгича билимларга амал қилиш ва ҳақозолар. Улар асосида ўқувчи шахсиятига нисбатан йўналиш белгиланилади. Бу мақсадларга эришиш учун ўқувчилар билан тўғарак, санъатнинг айрим турларини, жаҳон ва миллий маданиятини ўрганиш ва бошка тарбия шаклларида фойдаланиш мумкин. Дарсдан ташқари ишларнинг барчаарида амалга оширилаётган ва яна қайта тикланаётган турли амалга оширилаётган ва яна қайта тикланаётган турли дастурларида шахс шаклланишига, маънавий маъсулият билан яшашга ўргатишни шакллантиришга эътибор қаратилиши лозим. Айникса ўрта ва катта ёшдаги ўқувчиларни ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига ўргатиш

керак. Эстетик тарбиянинг янги шакллари ва мазмунини топиш зарур. Жумладан: фольклор, миллий ансамбллар, миллий ракс ва кўшиқлар, санъатининг миллий – ананавий турлари назарияси ва тарихини ўрганиш, қадимий эстетик тарбия восита услубларини тиклаш лозим. Қобилиятли ва истеъдодли тарбияланувчига алоҳида муносабатда бўлиш керак (оммавий тадбирлардан кенг фойдаланиш, суҳбатлар, маданият, санъат намоёндалари билан учрашув, конференциялар, хисобот чиқишлар, «Наврўз», «Кўшиқ байрами», «Ракс байрами», «Болалар бастакорлари билан учрашув», «Кўшиқ оламига саёхат», «Бир кўшиқ тарихи», «Ялла ва лапарлар кечаси», «Халқ кўшиқлари байрами», «Мақом кечаси», «Саҳна усталари билан учрашув» каби тадбирлари ва хоказолар). Ўқувчиларни музей, Кўргазма, театр концерти каби маънавий уюшмаларига маданият ва меъморчилик обидаларига, табиатнинг гўзал масканларига боришни ташкил этиш ва улардан олган таасуротларини ўртоқлашишга ўргатиш зарур.

Эстетик тарбиянинг асосий мазмуни исталган соҳадаги дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотлар тарбиянинг ягона қоида ва услубларини ташкил этади.

Яъни санъатнинг аниқ турлари ва ифода воситаларининг ўзига хослиги (сўздаги, тасвирдаги, мусика ва хоказо) замирида, ифоданинг бадиий воситаларининг амалий ўзлаштириш натижасидир. Бу борада асосий вазифа тўлақонли бадиий ва ижодий асарни чуқур ҳис этишдир, шунингдек миллий ва тарихий санъат шакллари билан қарашни, ўқитувчининг ўқувчилар ва тарбиячилар билан ўзаро суҳбатларини, олмани эстетик ва бадиий ҳис этиш фаолияти давомида ўқувчиларнинг мустақил ижодкорлигини, турли ўйинларни, дидактик саҳна ўйинларини болалар орасида уларнинг билим ва қобилиятига қараб иш шакллари болалар орасида уларнинг билим ва қобилиятига қараб иш шакллари тузиш керак. Инсон шахсининг шаклланиши ниҳоятда тинимсиз ва мураккаб жараён бўлиб, унда кўплаб факторларининг таъсири бор, буларнинг айримлари тарқоқ, айримлари мақсадга йуналтирилгандир.

Инсонни атрофини қуршаб турган воситалар тарбиялайди: оиласи, ота-онаси, мактаб, дўстлар, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва х.к. Боланинг ривожланиш жараёнини бошқариб бориш учун инсонни биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи, ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, уни шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Тарбиянинг етакчи мақсади сифатида асрлар давомида шахснинг ҳар қандай камолотга эришуви ғояси асос бўлиб келади. Шахснинг ҳар қандай камолотга эришуви бу унинг айрим қирралари ёки қисмларининг тўлақонлигини, жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик қирраларини йиғиндисини ўз ичига олади:

- ёшларни фалсафий дунёкарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишда кўмаклашиш, ўзлигини, ўзи идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва қисм заруратини уйғотиш;

- ўқувчиларни умуминсоний ва ватанимиз кадриятлари, бой маданияти билан ошно қилиш, маданий ва диний билимларини эгаллашга бўлган қўлларини шакллантириш, малакаларини ошириш уларни тобора бойитиш, эстетик тушунчаларини шакллантириш;- ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг табиий билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Уларни инсон фаолиятининг турли соҳаларида қатнашиш килиш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чақириш ва янада ривожлантириш учун шарт-шароит ҳозирлаш; умуминсоний инсонпарварлик ахлоқий меъёрини шакллантириш, меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатлилиқ, ирқий ва миллий камситишларига тоқатсизлик, меҳрибонлик, одоби, зиёлилиқ маданияти каби тарбия чоралари ноҳақликка, қўлдан чиқариш, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик кенг қўлланиши лозим;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуши қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгилаб берадиган фуқаролик ва ижтимоий маълумот ҳиссини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатининг

равнақи йўлидаги инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолишига ғамхўрлик, экологик тарбиялаш ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, тилга, маданият аъзоларига бўлган эътиборлик муносабат ва уни ўрганиш ўз халқига, давлатига унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш. Ўзбекистон Республикаси рамзлари, бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, турмушда энг олий кадрият ҳисобланган меҳнатга бўлган ижодий муносабатрни тарбиялаш, меҳнатга ижодий ёндошиш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий мақсадларига интилиш' каби ҳислатларини тарбиялаш, амалий муносабатларда тадбиркорлик, туғрисўзлик ва маъсулият ҳиссини тарбиялаш; соғлом турмуш таризида яшашга бўлган интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила ҳомийси бўлишга интилиш. Ўзининг ҳар бир ўз хатти-ҳаракатига ва уларнинг оқибатларига маъсулият билан қараш ҳислатларини тарбиялаш учун шароит ҳозирлаш ва уларни жорий этиш. Инсонни атроф-муҳитга таъсинри, одамларни ва ўзаро муносабатларида юқоридагиларга амал қилиш;-мустақил давлат бўлган Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига туғри ва ҳолисона баҳо беришни тушунтириш. Унинг тинчликсеварлик, демократик ва бошқа давлатларнинг ишларига аралашмаслик, бетарафлик ошқора, очик ташқи сиёсий ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, унинг ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини туғри тушунмоқ ва тушунтирмоқ лозим.

Тарбиянинг асосий тизими қуйидагилар бўлиши лозим:

-тарбияга шахсий муносабат, ривожланаётган инсон шахсини олий ижтимоий кадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзи ҳослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини тан олиш;

-тарбия-фикрлаш, ҳиссиёт ва хатти-ҳаракатларни шакллантиришдаги бутун жараён бўлиб, мақсадга мувофиқ тарзда бошқариб туриш; миллий ўзига ҳослик халқ маданияти, миллий этник урф-одат каби анъаналари воситаларига таяниш. Лекин тарбиянинг миллий «Бунёдкорлиги» ёш авлод

ишга лозим бўлган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларига кизиқишга интилишларини инкор қилмаслик лозим;

-ўқувчиларни ҳаётий фаолиятини ташкил этиш тарбиявий жараёнининг воситасини ташкил қилади. Бола ўсмир, йигит ва қизлар муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш. Бу масалларни бирламчи шароитлари юзага келтирилган ҳолдагина таълим ва тарбия жараёни қўшиб олиб борилган тақдирдагина амалга ошириш мумкин, кўллашда ўз тактика ва стратегиясига таянишга имконият берилса, бу соҳада ижобий натижалар эришиш мумкин.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён умумиш ва ўзлуксиз бўлсин, барча ёшдаги болаларни камраб олсин, мажмуий инсон ҳаётий фаолиятини барча жиҳатларини аск эттирувчи турли услубларни ўзаро боғлаб турувчи, унга таъсир ўтказувчи ва уни ривожлантирувчи ва йўлловчи воситалар, тарбияни барча томонлари гармоник тарзда бўлиши, турли ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муассасаларининг шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлар бирлаштирилган.

Мактабдан ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчилар кизиқишига суянилган ҳолатда уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради. У ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари услубини билим юртидаги пайтида нафат бўлғувси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқат билан яшайдилар. Зарур, кизиқарли, тулаконлик, болалар ва жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий-фойдали, ижодий кўнгил очар ва' шунга ўхшаш, ўқувчилар хусусиятига мос, ҳаётий бўлиши керак. Улар шундай ташкил этилиши лозимки, натижада ўқувчилар ўзларини кўнгиллари тусаган ишга кўл урсинлар, муваффақият хиссини тўйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин; шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат билан қараш ўзлаштиришларига ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишига имконият яратади. Дарсдан ташқари ишларининг ўзига хослиги шундаки, у

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мувофиқ услублар воситасида жамоат фойдаси учун оммавий гуруҳ, алоҳида ишлаш орқали-тарбиявий ишлар ташкил этилмоқда. Тўғарак дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар ўсмир, йигит ва қизларнинг шахс сифатида тикланишлари учун янги имконият яратади.

Қуйида дарсдан ташқари машғулотлар учун сценариялар тавсия этилади.

ЮРТИМ ЖАМОЛИ

Ўқувчи-ёшларда она юртимиз, унинг шаҳарларига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини таркиб топтиришда, ундан фахрланиш ва ғурурланиш хиссини тарбиялашда республикамиз шаҳарларига бағишланган муסיкий тадбирлар муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, она диёримизнинг ҳар бир шаҳри ўзига хос қўшиқдир. Ушбу тадбир дарсдан ва мактабдан ташқари ишларда ўтказилади.

Иштирокчилар: Сайёҳ, кечани олиб борувчи, хунармандлар, ўқувчилар, қўшиқ ижрочилари ва бошқалар.

Тайёргарлик: қўшиқларнинг нота ёзувлари, шаҳарларнинг умумий кўриниши тасвирланган суратлар, иштирокчилар кийимлари.

Тадбирнинг бориши: қувнок қўшиқ янграйди ва сахнага сайёҳ чиқиб келади.

Сайёҳ: Салом азиз дўстлар! Салом эй яхши инсонлар! Мен сайёҳман. ўз саёҳатим давомида жуда кўп ўлкаларда бўлдим. Кўплаб шаҳарларга бордим. Биласизми, нега саёҳат қиламан? Мен қўшиқ йиғаман. Сафар халтачамда турли миллат ва элатларнинг қўшиқлари бор.

Мана, ниҳоят Ўзбекистон деган юртга етиб келдим. Бу ўлка ҳақида сизлардан эшитмоқчиман, шаҳарларингизни бориб кўрмоқчиман. Умид қиламанки, сизнинг юртингиздан ҳам ажойиб куй ва қўшиқлар олиб кетаман.

Сахнага қизалок чиқиб келади.

Қизалок: Салом сизга, эй жаҳонгашта сайёҳ. Ўлкамизга хуш келибсиз. Сизни меҳмондўст диёримизда кўриб турганимиздан жуда хурсандмиз, Сиз учун энг биринчи юртимизни мадҳ этувчи кўшиқни тақдим этамиз.

М.Отажонов мусикаси, Қамбар Ота шеърига ёзилган "Ўзбекистон — Онажон" кўшиғи янграйди (кўшиқ нотаси "Ўзбекистон — ватаним маним" кўшиқлар тўпламининг 2-китобидан олинади).

Сайёҳ: Раҳмат сенга, эй қизалок. Энди мен юртингиз шаҳарларини бориб кўрмоқчиман. Шунинг учун йўлимни давом эттираман.

Сахнага Бухоро аркини умумий кўриниши тасвирланган суръат олиб чиқилади ва сайёҳ суръатга тикилиб туради. Шу вақт бир гуруҳ болалар ўтиб қоладилар.

Сайёҳ: Салом болалар, айтингчи мен қайси шаҳарга келиб қолдим.

Болалар: Бу кўҳна Бухоро шаҳри.

Сайёҳ: Бухоро шаҳри тарихи ҳақида нималар биласиз?

Болалар: Бухоро ҳақида сўзлаб берадилар.

Бухоро—асрлар мобайнида Шарқнинг маърифат ва диний маркази сифатида дунёга машҳур бўлган қадимий шаҳардир. Ўтмишда савдо ва маданият жихатидан у Турон — Туркистоннинг Балх, Хирот, Марв (Мари), Самарқанд, Термиз, Насаф (қарши), Чоч —Шош (Тошкент) ва Хоразм (Хива) сингари машҳур шаҳарлари орасида муносиб ўрин эгаллаган.

Ўрта асрларда Бухоро Мовароуннахрнинг йирик савдо, хунармандчилик ва маъмурий маркази бўлган. ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғловчи қадимий халқаро савдо йўли айнан шу шаҳар орқали ўтган.

Бухоро асрлар давомида нафакат фан, маърифат, маданият ва савдо муносабатларининг ривожланганлиги билан, балки Туркистоннинг йирик маъмурий маркази сифатида ҳам машҳур бўлиб келди.

Бухоро ўз ип-газлама ишлаб чиқариши, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, нақш ва миниатюралари билан дунёга машҳурдир.

Сайёҳ: Раҳмат сизларга. Шаҳрингиз ҳақида жуда кўп нарсалар билар экансиз. Мен дунё кезиб кўп юртлар ва шаҳарларнинг куй ва қўшиқларини тўплаб юрибман. Шу пайт бир қизча ўтиб қолади.

Сайёҳ: Эй дилбар қиз. Сиз билан танишсам бўладими?

Зардўзчи қиз: Салом сизга, эй азиз меҳмон. Мен зардўзчи қизман. қадимий ва азим Бухоро шаҳрига хуш келибсиз! Сизга ўз шаҳрим ҳақида қўшиқ куйлаб бераман.

(Хабибулла Раҳимовнинг Сафар Барноев шеърига ёзилган "Бухоро" қўшига ижро этилади. (Қўшиқ нотаси "Ўзбекистон — ватаним маним" қўшиқлар тўпламининг 2-китобидан олинади).

Сайёҳ болаларга раҳмат айтиб Хоразмга келади. Унинг қаршисидан йигит ва қизлар чиқадилар.

Сахнага Хиванинг умумий кўриниши тасвирланган суръат олиб чиқилади.

Сайёҳ: Салом сизга, азиз инсонлар. Мен дунёда саёхат қилиб қўшиқ ва куйлар йиғиб юрибман. Менинг сафар халтамга қандай куй қўшиқ тақдим эта оласизлар.

Йигит-қизлар жуфт-жуфт бўлиб Хоразм лазгисига рақс тушадилар ва Хоразм ҳақида гапириб берадилар.

Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, доно фалсафа, инсонпарварлик, адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқларидан биридир (Сўнгра М.Отажоновнинг Зафарий шеърига босталанган Хива ҳақида қўшиқ ижро этилади.)

Сайёҳ яна йўлида давом этади ва қарши шаҳрига етиб келади.

Сахнага Қашқадарёнинг умумий кўриниши тасвирланган суръат чиқарилади.

Сайёҳ: О, бу қандай гўзал шаҳар бўлди.

Қизлар: Бу гуллар шаҳри Қарши. Она шаҳримизда сизни хуш кўрдик, азиз меҳмон.

Сайёҳ: Эй, дилбар кизлар, мени кўшиқлар орасига элта оласизларми?

Қизлар: М.Отажонов мусиқаси, Н.Нарзуллаев шеърига ёзилган "Қашкадарё" кўшиғини куйлашади.

Сайёҳ уларга раҳмат айтиб йўлида давом этади. У хунарманд йигитлар оддидан чиқади.

Сайёҳ: Сизга ҳам саломлар бўлсин, азиз йигитлар!

Йигитлар: Сизга ҳам салом, эй азиз меҳмон. Не мақсадларда бизнинг Навоий шаҳрига ташриф буюрдингиз.

Сахнага Навоий шаҳри тасвирланган суръат чиқарилади.

Сайёҳ: Мен турли-туман куй ва кўшиқлар тўплайман. Шу сабаб кўп юрт кездим. Сизнинг шаҳрингиздан ҳам ажойиб куй кўшиқ олиб кетмоқчиман. Менга ёрдам бера оласизларми?

Йигитлар: Қани йигитлар, бошладик.

М.Отажонов мусиқаси, Н.Нарзуллаев шеърига ёзилган Навоий ҳақидаги кўшиқ ижро этилади.

Сайёҳ: Раҳмат сизга ўз юртининг забардаст ва меҳнаткаш танти ва мард ўғлонлари. Энди мен борай, сафаримни давом эттирай.

Йигитлар: Хайр, йулингиз бехатар бўлсин.

Мусиқа янграб сахнага Тошкент шаҳрининг умумий кўриниши тасвирланган суръат чиқарилади. Сайёҳ йўлида давом этиб сув бўйида кўшиқ айтаётган кизларни учратади. Улар Хурпшда Ҳасанова мусиқаси Дилшод Ражабов шеърига ёзилган "Ўзбекистон жаннат" кўшиғини куйлайдилар.

Сайёҳ: Жуда ҳам ажойиб кўшиқ экан.

Қизлар: Ассалому алайкум, азиз меҳмон. Тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлмиш ҳамиша навқирон Тошкентимизга хуш келибсиз. Ташрифингиз бойиси недур?

Сайёҳ: Мен жаҳон кезиб турли юрт ва шаҳарларда кўшиқ тўплаб юраман. Сиз айтган кўшиқ ҳам сафар халтачадан жой олди. Ўз юртингизни жуда ҳам севар экансиз.

Қизлар: Албатта, барчамиз Она юртимиз Ўзбекистонни жудаям севадимиз.

Барча иштирокчилар сахнага чиқиб келадилар ва Г. Қўчқорова мусикаси, Д.Аъзамова шеърига ёзилган "Ўзбегамдан айланай" кўшигини куйлашади (Нотаси «Мусика» 6-синф дарслигидан олинади.) ва барчага эгилиб салом берадилар.

Кечани олиб борувчи: «Шунинг билан байрамимиз якунланди. Яна учрашгунча хайр дўстлар!"

«ШИМОЛИЙ СЕХРГАР»

Бошловчи ва қатнашувчилар:

Бошловчи қиз ва йигит, Тролль, Гоблин, Солвейг, «Уйча» («Избушка») кўшигининг ижрочилари, «Григ ва қизча» сахнасининг қатнашувчилари ва хореографик кўриниш.

Жиҳозлар:

Э.Григ суръати, шимол табиатини акс этган тасвирлар воситаси, фоноёзув, қатнашувчиларнинг либослари.

Байрам олди тайёргарлик:

Ижро этадиган вокалистлар билан Э.Григнинг «Уйча» («Избушка») кўшигини ўрганиш. Очик дарсдан олдин болалар билан «Норвегия эртаги» ни ўқиб ўзлаштирилади ва уйга вазифа: Эртақдаги – олий – жаноб, сеҳргар - мамлакатини чизиш келиш берилади.

Болалар чизган расмлар – стендга безатилади.

Тадбир ўтадиган хонада Э.Григнинг расми ва шимолнинг табиатини акс этадиган расмлар билан безатилади.

Бошловчи йигит:

